ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВ САФАРБОЙ АБДИРАШИТОВИЧ

ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ИҚЛИМИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2018

УДК: 627.133 (575.144)

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical sciences

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВ САФАРБОЙ АБДИРАШИТОВИЧ

ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ИҚЛИМИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2018

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/G21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.meteo.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович** география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Чембарисов Эльмир Исмаилович** география фанлари доктори, профессор
	Салимова Барно Джамаловна техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-текшириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.G.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: (+998) 71-235-85-12, факс: (+998) 71-237-13-13, e-mail: nigmi@albatros.uz)

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-текшириш институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№___рақами билан рўйҳатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўча, 72. Тел.: (+998) 71-235-85-12, факс: (+998) 71-237-13-13.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

В.Е.Чуб
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

С.В.Мягков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда, глобал иқлим ўзгариши жараёни натижасида сайёрамизда, айниқса, унинг арид минтақаларида сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучлироқ сезилмоқда**.** Бу борада БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (ИЎҲЭГ) нинг V Баҳоловчи докладида таъкидланганидек, «Ташвишга солувчи шундай далиллар мавжудки, улар сайёрамиз эко- ва иқлимий тизимларидаги ўзгаришларнинг чегара кўрсаткичлардан ҳам ортиб кетганлиги ва натижада аллақачон қайтмас жараёнларга айланганлигидан далолат беради. ... Тоғ музликларининг ҳажми қўрқинчли суръатларда қисқармоқда ва келажакда, бу ҳодисанинг оқибатида, кўплаб авлодлар йилнинг қуруқ ойларида ичимлик суви заҳирасининг камайишига дуч келадилар»[1]. Ушбу ҳолат дарёлар оқимининг ҳосил бўлиш механизмини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқ этишни ва улар оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Дунё миқёсида ушбу йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, дарёлар оқимининг ҳосил бўлиш қонуниятларини тадқиқ этишга, иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, уларни миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, дунёда тоғ дарёларининг тўйинишида муҳим роль ўйнайдиган атмосфера ёғинлари ва музликларнинг оқим ҳосил бўлишига қўшган ҳиссаларини аниқлаш, шу мақсадда дарё оқими билан уни белгиловчи иқлимий омиллар орасидаги кўп ҳадли боғланишларни физик-статистик баҳолаш масалалари кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтирмоқда. Ушбу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, дарёлар сув ресурсларини инсон манфаатлари йўлида яқин ва узоқ келажак учун прогнозлаш имконини беради. Шу туфайли, бугунги кунда дарёларнинг сув ва энергетика ресурсларини янада аниқ баҳолаш ҳамда улардан келгуси авлодлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш масаласи ўта муҳим ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш ва иқлим ўзгариши шароитида, мавжуд сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш борасида сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «... глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш»[2] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар

[1] www.ipcc.ch, Intergovernmental Panel on Climate Change (IPCC), Fifth Assessment Report, 2015.

[2] Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

ҳудудларида шаклланадиган дарёларнинг гидрологик режимини, уларнинг асосий гидрологик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини, иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, янада такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3286-сон Қарори, 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарёлар оқимининг ҳосил бўлиши ва уларни иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда миқдорий баҳолаш масалалари кўплаб хорижий олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, ушбу масалаларни ўрганишга собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан Т.С.Абалян, С.К.Аламанов, М.Н.Большаков, М.И.Будико, А.И.Воейков, В.Г.Глушков, Л.К.Давидов, Н.Л.Корженевский, А.С.Монин, Э.М.Ольдекоп, Е.В.Петряшова, И.С.Соседов, Д.П.Соколов кабиларнинг, узоқ чет эллик олимлардан R.L.Anderson, T.A.Bancroft, R.T.Clark, C.G.Collier, J.Martinec, J.C.Rodda ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда турли иқлимий омиллар, жумладан, атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига кўрсатадиган таъсирини ўрганишга қаратилган илмий ёндашувлар баён этилган, дарёлар оқими билан метеорологик омиллар орасидаги эмпирик боғланишлар статистик баҳоланган.

Ўзбекистонда ушбу муаммони ўрганишга қаратилган илк монографик тадқиқотлар В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Л.Н.Бабушкин, В.А.Бугаев, А.М.Овчинников, Н.К.Лукиналар томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Б.К.Царев, Ф.Ҳ.Ҳикматов, З.С.Сирлибаева, Л.М.Карандаева, Д.Ю.Юсупова, Б.Д.Салимова, Д.П.Айтбаев, Ғ.Х.Юнусов ва бошқа ёш олимлар томонидан давом эттирилмоқда. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар оқимининг ҳосил бўлиш хусусиятлари, уларга турли табиий географик омиллар, жумладан, ер сирти ҳолати, дарёлар ҳавзалари ёнбағирлари экспозициялари ва бошқаларнинг таъсири

баҳоланган.

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотларда Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити ва ҳавзада сув ресурслари ҳосил бўлиши масалалари алоҳида кўриб чиқилмаган. Аниқроғи, Зарафшон дарёси ва унинг асосий ирмоқлари оқимининг ўзгарувчанлиги, йил давомида тақсимланиши масалалари, шунингдек, ҳавзада сув ресурсларининг шаклланиш шароитлари иқлимий омиллар, жумладан, ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари билан боғлиқ ҳолда, шу кунгача атрофлича ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омиллар - атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг таъсирини физик-статистик баҳолаш ҳамда дарё сув ресурсларини иқлим ўзгариши шароитида аниқлаш масалаларига бағишланганлиги билан юқорида келтирилган ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф6-062 - «Орол денгизи дарёлари муаллақ оқизиқлари ҳосил бўлиши қонуниятларини уларни ҳисоблаш ва прогнозлаш усулларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқ этиш» (2007-2011 йй.) ва ОТ-Ф5-13 – «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2021 йй.) фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсир этиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда дарё сув ресурсларини иқлим ўзгариши шароитида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлиш жараёнини иқлимий омиллар - атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш;

дарё оқимининг шаклланиши ва унинг йил давомида ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланишига ҳавзадаги музликларнинг таъсирини кўрсатиб бериш;

дарё оқимининг йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлигига иқлимий омилларнинг таъсирини баҳолаш;

дарё оқимининг метеорологик омиллар – турли мавсумлардаги атмосфера ёғинлари ва ёзги ҳаво ҳарорати билан боғлиқлигини физик-статистик баҳолаш;

Зарафшон дарёси сув ресурсларини, иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, миқдорий баҳолаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмидаги йирик ирмоқлари ҳамда уларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган Зарафшон дарёси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлиш

жараёнини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ва дарё сув ресурслари миқдорий кўрсаткичларини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, гидрологик аналогия, географик умумлаштириш, математик статистика, шунингдек, дарё оқимининг иқлимий омиллар билан кўп ҳадли боғланишларини статистик баҳолашда объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси оқимининг йиллараро миқдорий тебраниши ҳамда ўзгарувчанлигининг атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратига генетик боғлиқлиги аниқланган;

дарё оқими асосий кўрсаткичларининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариш хусусиятлари базавий иқлимий давр учун баҳоланган;

дарё оқими билан метеорологик омиллар ўртасидаги кўп хадли боғланишларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган, улар асосида ҳисоблаш ва прогнозлаш номограммалари яратилган;

иқлимнинг келажакдаги мумкин бўлган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, Зарафшон дарёси сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси ойлик оқимининг ҳосил бўлишига турли мавсумлар ва уларга тегишли бўлган ойлардаги атмосфера ёғинлари ҳамда ҳаво ҳароратининг қўшган ҳиссалари баҳоланган;

дарё йиллик оқими билан метеорологик омиллар орасидаги кўп ҳадли боғланишларни ифодаловчи нормаллаштирилган регрессия тенгламалари олинган, улар асосида дарё оқимини миқдорий баҳолаш ва прогнозлаш имконини берадиган ҳисоблаш номограммалари тавсия этилган;

номограммалар Зарафшон дарёси оқимининг турли мавсумлардаги кўрсаткичлари мисолида синовдан ўтказилган, уларнинг миқдорий қийматлари иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

дарё оқимининг миқдорий кўрсаткичлари, жумладан, сув сарфлари, оқим ҳажмлари, оқим модули ва оқим қатламининг меъёрий қийматлари йиллик ҳамда сув режимининг турли фазалари учун аниқлаштирилган;

дарё сув ресурслари иқлим ўзгариши шароитида баҳоланган ва улардан вилоятлар кесимида, сув хўжалиги йилини ҳисобга олган ҳолда, самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) тизимида ҳамда Тожикистон Республикаси гидрометеорология хизмати марказида ягона усулда амалга оширилган гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси материалларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлашда эса умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ва уларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан келиб чиқадиган хулосалардан келажакда бошқа ҳудудлардаги тоғ дарёлари оқимининг иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиш жараёнлари ҳамда бу жараёнларнинг маҳсули бўлган сув ресурсларининг шаклланишини тадқиқ этишда қўлланиладиган илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан Зарафшон ҳавзаси сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни ва, шу мақсадда, уларни вилоятлараро тақсимотини одилона ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, ишда қўлланилган услубий ёндашувларнинг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида гидрология соҳаси фанларини ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув ресурсларининг шаклланишига иқлимий омилларнинг таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зарафшон дарёси оқимининг йиллараро тебраниши ва ўзгарувчанлигини иқлимий омилларга боғлиқлиги, уларнинг таҳлили асосида берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 02/30-211-сон маълумотномаси). Натижада дарё оқимининг миқдорий кўрсаткичлари, жумладан, сув сарфи ва оқим ҳажмлари аниқлаштирилган ва бу ҳолат дарё оқимини вилоятлар, туманлар ва уларга сув келтирадиган каналлар бўйича тақсимлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

дарё оқими кўрсаткичларининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариш хусусиятларининг базавий иқлимий давр учун олинган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 2/30-211-сон маълумотномаси). Натижада улар сув тақсимлаш иншоотларини эксплуатация қилишда зарур бўлган сув хўжалиги ҳисоблашларида манба сифатида фойдаланиш, сув тақсимлаш иншоотларини эксплуатация қилишда самарадорликни таъминлаш имконини берган;

дарё оқими миқдорининг метеорологик омилларга, жумладан, атмосфера ёғинлари ва ёзги ҳаво ҳароратига боғлиқлигини статистик баҳолаш натижалари асосида тузилган ҳисоблаш номограммалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида Самарқанд вилоятида Зарафшон дарёси оқимидан фойдаланишга қаратилган йиллик режаларни тузишда қўлланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 02/30-211-сон маълумотномаси). Натижада вилоят миқёсида Зарафшон дарёси сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Зарафшон дарёси сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан, иқлимнинг келажакдаги мумкин бўлган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, самарали фойдаланиш бўйича берилган илмий асосланган хулосалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида дарё сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган режаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 июлдаги 03-03/2-3173-сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон дарёси сув ресурсларидан фойдаланиб, экологик вазиятни яхшилаш ва аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашда қўшимча имкониятлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та съезд ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертацияннинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити ва**

гидрометеорологик ўрганилганлиги” номли **1-бобида** Зарафшон дарёси ҳавзаси табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, унинг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, орографияси, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами ҳамда гидрографик тармоқлари ва умуман ҳавза табиий шароитини белгиловчи омиллар, ҳавзадаги дарёлар ва сойлар оқимининг ҳосил бўлиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилган, ҳавзанинг гидрометеорологик ўрганилганлиги баҳоланган.

Зарафшон дарёсининг ҳавзаси Ўзбекистон ва қўшни Тожикистон республикалари ҳудудида жойлашган. Ҳавзанинг юқори, яъни тоғли қисми шимолдан Туркистон ва жанубдан дастлаб Зарафшон, сўнг Ҳисор тоғ тизмалари билан чегараланади. Ҳавзанинг ўрта қисми эса Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий тармоқлари оралиғида жойлашган.

Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, М.А.Насиров, Д.П.Соколов, А.А.Абдулқосимов, М.И.Геткер, Г.Е.Глазирин, Л.А.Алибеков, В.Е.Чуб В.Г.Коновалов, Б.К.Царёв, Л.М.Карандаева, Х.Сиддиқов, Р.Машрапов, А.Рахматуллаев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Уларнинг таъкидлашича, дарё ҳавзасининг геологик тузилиши кембрийдан тортиб, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларида кечган мураккаб геологик жараёнлар натижасидир.

Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий гидрографик тармоқлари, ҳудуднинг орографик белгиларини ҳисобга олган ҳолда, икки қисмга, яъни тоғли ва текислик қисмларига ажратилади. Ҳавза орографик тармоқлари ва тоғли қисми ҳозирги рельефининг шаклланишида тўртламчи давр музликларининг таъсири жуда катта

Зарафшон дарёси ҳавзаси тоғли қисмининг табиий гидрографик тармоқлари музликлардан ҳамда улардан тўйинадиган, нисбатан зич жойлашган дарёлар, сойлардан ҳамда морена ва қулама келиб чиқишли кўллардан иборатдир. Ушбу ҳудудда умумий майдони 8,78 км^2 га тенг бўлган 66 та кўл ҳисобга олинган (А.М.Никитин, 1987).

Ўрта Осиё дарёлари ҳавзаларининг гидрометеорологик режими масалалари XX асрнинг ўрталарида К.П.Воскресенский, Л.К.Давидов, В.Л.Шульц, И.А.Ильин, М.Н.Большаков, М.А.Насиров, Д.П.Соколов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Кейинчалик, аниқроғи, 20-асрнинг охирги чорагида, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар А.А.Акбаров, В.Г.Коновалов, Г.Е.Глазирин, Б.А.Камолов, А.Р.Расулов, В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Д.Ю.Юсупова, Б.К.Царёв, А.Ф.Шоҳидов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Л.М.Карандаева каби тадқиқотчилар томонидан давом эттирилди. Лекин, юқоридаги тадқиқотларда Зарафшон дарёсига алоҳида эътибор қаратилмаган.

Ҳавзада илк метеорологик кузатишлар XIX асрнинг охирида Самарқанд (1880 йил) ва Панжикент (1882) станцияларида бошланган бўлса, гидрологик кузатишлар эса XX асрнинг бошларида, аниқроғи, 1914 йилдан Зарафшон дарёсидаги Дупули, унинг чап тармоғи бўлган Қорадарёдаги Қўштегирмон, Оқдарёдаги Пайшанба гидрологик постларида йўлга қўйилган.

Ўтган йиллар давомида Зарафшон дарёси ҳавзасида 78 та гидрологик ва 71 та метеорологик кузатиш пунктлари фаолият кўрсатган. Улардан 42 та гидрологик ва 44 та метеостанциялар ва постлар ҳавзанинг Ўзбекистон қисмида, қолган 36 та гидрологик ва 27 та метеорологик кузатиш пунктлари эса қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Диссертациянинг **“Зарафшон ҳавзасидаги музликлар ва уларнинг дарёлар оқимининг ҳосил бўлишидаги аҳамияти”** деб номланган **2-бобида** дарё ҳавзасидаги ҳозирги замон тоғ музликларига оид тадқиқотлар қисқача таҳлил қилинган. Музликларнинг дарё ҳавзасида орогидрографик белгилари бўйича тақсимланиши аниқланган, уларнинг гляцио-гидрологик кўрсаткичлари баҳоланган. Шунингдек, музликларнинг Зарафшон дарёси ва унинг ирмоқлари оқимининг ҳосил бўлишидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Зарафшон дарёсининг тўйинишида музликларнинг аҳамиятини ўрганишни XIX асрнинг охирларида Д.К.Мишенков, П.Аминов, А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин, И.В.Мушкетов, Н.А.Северцов ва бошқалар бошлаб берганлар. Ўтган XX асрнинг биринчи чорагида эса Зарафшон музликларини ўрганишга оид тадқиқотлар В.И.Липский, Л.С.Берг, И.А.Преображенский, Н.П.Петровский, Н.Л.Корженевский ва бошқаларга тегишлидир. Кейинги йилларда Зарафшон музликларини тадқиқ этиш Е.П.Коновалов, В.П.Учайкин, С.В.Калесник, Л.К.Давидов, О.П.Шеглова, М.А.Насиров, А.С.Шетинников, В.Г.Коновалов, Г.Е.Глазирин, Р.С.Батиров ва А.В. Яковлев, Б.К.Царёв ва бошқалар томонидан амалга оширилди.

Зарафшон дарёси ҳавзасида музликлар сонининг кўплиги бўйича Ҳисор (172 та) ҳамда Зарафшон (123 та) тизмаларининг шимолий ёнбағирлари ажралиб туради. Музликларнинг умумий майдони бўйича эса Туркистон тизмасининг жанубий ёнбағирлари энг катта қийматга эга (271,1 км^2). Ҳавзадаги барча тоғ тизмаларида 3400 метрдан бошлаб, 4400 метргача бўлган баландликларда музликлар майдони ортиб боради. Мастчоҳдарё ҳавзаси бошқа дарёлар ҳавзаларидан музликлар сонининг кўплиги (587 та) ва улар эгаллаган майдонларнинг катталиги (479,21 км^2) билан алоҳида ажралиб туради. Ундан кейинги ўринни Фандарё (133,29 км^2) ҳавзаси эгаллайди;

Зарафшон ҳавзасида музланиш коэффициентининг энг катта қиймати ($К_м$=10,3) Мастчоҳдарёга тегишлидир. Ҳавзадаги музликларнинг умумий ҳажми 27,826 км^3 ни, улардаги сув заҳиралари миқдори эса 25,043 км^3 ни ташкил этади (А.С.Шетинников, 1997;1998). Мастчоҳдарёнинг май-сентябрь ойларида ҳосил бўладиган ўртача кўп йиллик оқими ҳажми 2,234 км^3 ни, унга музликларнинг эришидан ҳосил бўлган сувларнинг қўшган ҳиссаси эса 40,8% ни ташкил этади. Бу миқдорий кўрсаткич Яғнобдарёда 15,4%, Фандарёда 19,2%, Зарафшон (Дупули) да эса 33,6% га тенг.

Глобал миқёсдаги иқлим илиши Зарафшон ҳавзасидаги музликларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу ҳолатни ҳисобга олсак, келажакда, юқорида келтирилган маълумотларга аниқлик киритиш лозим бўлади.

Диссертациянинг **“Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлиши ва**

унга иқлимий омилларнинг таъсири” деб номланган **3-бобида** дарёлар оқимининг шаклланиши ва унинг табиий географик омиллар, жумладан, иқлимий омиллар билан боғлиқлиги масалалари тадқиқ этилган. Мазкур муаммо дастлаб Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давидов, Н.Л.Корженевский, В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, А.Н.Важнов, М.Н.Большаков, А.М.Владимиров, И.С.Соседов каби олимларнинг фундаментал асарларида ёритилган. Бевосита Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлиши хусусиятлари эса Д.П.Соколов, М.А.Насиров, М.И.Геткер, В.Е.Чуб, А.С.Шетинников, В.Г.Коновалов, Л.М.Карандаева, Ф.Ҳ.Ҳикматовлар томонидан ўрганилган. Бироқ, ушбу тадқиқотларда Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсири алоҳида ва атрофлича ўрганилмаган.

Дарё ҳавзасининг сув баланси тенгламаси ($У_0=X_0-Z_0$) га кўра, иқлимнинг ҳар қандай дарё оқими ($У_0$) га таъсир этувчи асосий элементлари атмосфера ёғинлари (X_0) ва буғланиш (Z_0) дир. Ушбу хулоса Зарафшон дарёси ҳавзаси учун ҳам тўла мос келади.

Ўтган ХХ асрнинг 1-ярмида Ўрта Осиё тоғ дарёлари оқимига иқлимий омилларнинг таъсири ҳақида олимлар қуйидаги икки хил фикрни ўртага ташлаганлар: 1) дарёлар оқими миқдорининг йиллараро ўзгаришига иқлимий омилларнинг таъсири даражаси уларнинг тўйиниш манбалари билан боғлиқ (Э.М.Ольдекоп, 1917); 2) дарёлар йиллик оқими миқдорининг ўзгариши, уларнинг қайси типга мансублигидан қатъий назар, ҳавзага ёққан атмосфера ёғинлари миқдорига боғлиқ (Л.К.Давидов, 1923; В.Л.Шульц, 1949).

Ўтган асрнинг 70-йилларида М.Н.Большаков ва Е.В.Петряшоваларнинг тадқиқотлари ушбу икки хил фикрга аниқлик киритди ва натижада улар Ғарбий Тяншан дарёларини қуйидаги уч гуруҳга ажратдилар: 1) оқим миқдорининг йиллараро ўзгариши асосан йиллик атмосфера ёғинлари йиғиндиси билан боғлиқ бўлган дарёлар; 2) оқим миқдорининг йиллараро тебраниши йиллик ёғинлар йиғиндиси ва иссиқлик режими ўзгаришининг биргаликдаги таъсирида бўлган дарёлар; 3) оқим миқдорининг йиллараро тебраниши асосан қор ва музликлар эриши даврида ҳаво ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган дарёлар. Ушбу тадқиқотда мазкур муаммолар Зарафшон ҳавзаси дарёлари мисолида ўрганилган.

Зарафшон дарёси ҳавзасининг яна бир ўзига хос хусусияти - дарё ҳавзасида ҳозирги замон тоғ музликларининг мавжудлигидир. Ушбу ҳолат дарё оқимининг иқлимий омилларга боғлиқлиги масаласини ўрганишда, атмосфера ёғинларидан ташқари, ҳаво ҳароратининг таъсирини ҳам ҳисобга олиш зарурлигидан дарак беради. Ушбу масала диссертациянинг навбатдаги бобида кўриб чиқилган.

Диссертациянинг “**Зарфшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишига атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг таъсири**” деб номланган **4-бобида,** дастлаб, ҳавзада атмосфера ёғинлари миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши тадқиқ этилган. Сўнг дарё оқимига атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг алоҳида-алоҳида ҳамда биргаликдаги таъсирлари

статистик баҳоланган. Дарё ҳавзасида ёғин миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши тўртинчи даражали полином билан ифодаланди (1-расм).



1-расм. Зарафшон дарёси ҳавзасида ёғин миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши

Зарафшон дарёсининг Дупули постида ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари ($Q_{Дуп}$) билан унинг ҳавзасига ёққан қишки (ΣX_{X-III}) ҳамда ёзги (ΣX_{IV-IX}) ёғинлар ўртасидаги кўп ҳадли боғланиш объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усулини қўллаш асосида статистик баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Зарафшон дарёси йиллик оқими билан мавсумий ёғинларнинг боғлиқлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар

Т/р	Боғланиш тури	$R_0 \pm \sigma_{R_0}$	$R_{01} \pm \sigma_{R_{01}}$	$R_{02} \pm \sigma_{R_{02}}$
1	$Q_{Дуп} = f(\Sigma X_{X-III}, (\Sigma X_{IV-IX})_{Дех}$	0,65±0,107	0,62±0,114	0,21±0,178
2	$Q_{Дуп} = f(\Sigma X_{X-III}, (\Sigma X_{IV-IX})_{Анз}$	0,46±0,146	0,33±0,165	0,21±0,178
3	$Q_{Дуп} = f(\Sigma X_{X-III}, (\Sigma X_{IV-IX})_{Шах}$	0,68±0,103	0,56±0,156	0,03±0,186
4	$Q_{Дуп} = f(\Sigma \bar{X}_{X-III}, (\Sigma \bar{X}_{IV-IX})$	0,63±0,111	0,65±0,107	0,15±0,182

Изоҳ: $\pm_{R_0}$, $\pm_{R_{01}}$ *ва* $\pm_{R_{02}}$ *- мос равишда, тўлиқ (*R_0*) ва жуфт* (R_{01}, R_{02}) *корреляция коэффициентларининг хатоликлари.*

Зарафшон дарёси оқими билан ёғин миқдорлари орасидаги боғланишларнинг тўлиқ корреляция коэффициентлари (R_0) 1, 3 ва 4-турдаги боғланишларда деярли бир хил бўлиб, 0,63÷0,68 оралиқда ўзгаради. Бироқ, 2-турдаги боғланишда унинг қиймати камайиб, R_0 = 0,46 га тенг бўлди. Бу ҳолат Зарафшон дарёси оқими билан ёғин миқдорлари орасидаги боғланишларни ўрганишда Анзоб довони метеостанцияси маълумотларининг репрезентатив эмаслигини кўрсатади. Дарё йиллик оқимига қишки (ΣX_{X-III}) ёғинларнинг таъсири ёзги (ΣX_{IV-IX}) ёғинларга нисбатан анча сезиларлидир. Демак, қишки ёғинлар миқдорининг ўзгариши Зарафшон дарёси оқимининг йиллараро тебранишига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Зарафшон дарёси оқимига ҳаво ҳароратининг таъсирини ўрганиш учун ўртача йиллик, мавсумий ва ойлик сув сарфлари билан шу муддатлардаги ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўртача ойлик сув сарфлари билан ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишларнинг корреляция коэффициентлари

Метео-станциялар	О й л а р											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Искандаркўл	-0,08	-0,03	0,19	0,21	0,59	0,62	0,36	0,60	0,56	0,32	0,26	0,44
Дехауз	-0,07	0,05	0,28	0,22	0,55	0,63	0,34	0,61	0,54	0,32	0,26	0,33
Шаҳристон	0,00	-0,07	0,25	0,47	0,70	0,73	0,40	0,70	0,46	0,31	0,36	0,21
Анзоб дов.	0,00	0,06	0,27	0,30	0,62	0,66	0,35	0,69	0,56	0,30	0,34	0,29
Федченко м.	0,02	-0,03	0,34	0,42	0,54	0,72	0,44	0,61	0,67	0,27	0,26	0,37

Жадвал маълумотларининг таҳлили натижалари репрезентатив метеорологик станцияларни аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида жуфт корреляция коэффициентлари Зарафшон дарёсининг йиллик ва турли мавсумлар учун аниқланган ўртача сув сарфлари ($Q_{й}$, Q_{IV-IX} , Q_{V-IX} , Q_{VI-IX} , Q_{VII-IX} ва Q_{V-X}) билан худди шу муддатларда Шаҳристон довони метеорологик станциясида қайд этилган ҳаво ҳароратлари ($T_{й}$, T_{IV-IX} , T_{V-IX} , T_{VI-IX} , T_{VII-IX} ва T_{V-X}) орасидаги боғланишлар учун ҳисобланди (3-жадвал).

3- жадвал

Дарё оқими билан ҳаво ҳарорати орасидаги боғланишларнинг жуфт корреляция коэффициентлари

Ҳаво ҳарорати	Ўртача сув сарфлари					
	$Q_{й}$	Q_{IV-IX}	Q_{V-IX}	Q_{VI-IX}	Q_{VII-IX}	Q_{V-X}
$T_{й}$	0,60	0,60	0,59	0,57	0,48	0,61
T_{IV-IX}	0,53	0,54	0,56	0,53	0,49	0,55
T_{V-IX}	0,50	0,51	0,51	0,52	0,49	0,53
T_{VI-IX}	0,47	0,47	0,48	0,52	0,50	0,49
T_{VII-IX}	0,38	0,38	0,40	0,43	0,48	0,40
T_{V-X}	0,52	0,52	0,54	0,53	0,49	0,54

Таҳлилларининг кўрсатишича, дарёнинг йиллик ва турли мавсумлар учун аниқланган ўртача сув сарфлари билан ўртача йиллик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар корреляция коэффициентларининг қийматлари бошқа жуфтликларга нисбатан анча катта. Уларнинг энг катта қиймати (R = 0,61) май-октябрь ойларига тегишлидир. Умуман олганда, ҳисобланган 36 та жуфт корреляция коэффициентининг 21 таси (58,3%) 0,50÷0,60 оралиқдаги қийматларни қабул қилади.

Зарафшон дарёсининг вегетация давридаги (IV-IX) ўртача ойлик сув сарфлари билан шу ойлардаги ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар базавий давр (1961-1990 йй.) давомидаги экстремал сувли йиллар (1973 - кўп сувли; 1981 - ўртача сувли ва 1982 - кам сувли) учун ўрганилди (2-расм).



2-расм. Экстремал сувли йиллардаги ўртача ойлик сув сарфлари билан ҳаво ҳароратларининг боғлиқлиги

Ушбу боғланишлар Зарафшон дарёси сувлилик даражасининг июль, август ойларидаги ҳаво ҳарорати билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур боғланишлар маълум амалий аҳамиятга эга. Графикдан амалий мақсадларда фойдаланиш учун, уларнинг экспоненциал тенгламаларининг аниқлиги баҳоланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида Зарафшон дарёсининг апрель-октябрь ойларидаги сув сарфлари билан шу ойлардаги ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланиш базавий давр (1961-1990) учун ўрганилди (3-расм). Ушбу боғланишнинг регрессия тенгламаси қуйидаги иккинчи даражали полином билан ифодаланади:

$$Q_i = 0{,}71 \cdot T_i^2 + 26{,}01 \cdot T_i + 35{,}18,$$

бу ерда: Q_i – ўртача ойлик сув сарфлари бўлиб, i = IV, V, VI, VII, VIII, IX, X ойларини ифодалайди; T_i - ўртача ойлик ҳаво ҳарорати.



3-расм. Зарафшон дарёсининг апрель-октябрь ойларидаги сув сарфлари билан шу ойлардаги ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланиш графиги

Ушбу тенглама ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, ундан гидрологик ҳисоблашлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилади.

Зарафшон дарёси оқимининг шаклланишига атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг биргаликдаги таъсирини статистик баҳолаш мақсадида,

Г.А.Алексеев усулини қўллаш асосида, кўп омилли боғланишлар ҳисобланди. Ушбу ҳисоблашлар натижасида тўрт гидрометеорологик ўзгарувчи орасидаги боғланишларни ифодалайдиган нормаллаштирилган регрессия тенгламалари умумий ҳолда қуйидаги кўринишда олинди:

$$U_0(Q_{Дуп}) = \alpha_{01} U_1(\Sigma X_{X\text{-}III}) + \alpha_{02} U_2(\Sigma X_{IV\text{-}IX}) + \alpha_{03} U_3(\bar{t}_{VI\text{-}IX}),$$

бу ерда: $U_0(Q_{Дуп})$, $U_1(\Sigma X_{X\text{-}III})$, $U_2(\Sigma X_{IV\text{-}IX})$, $U_3(\bar{t}_{VI\text{-}IX})$, мос равишда, сув сарфи, қишки ёғинлар, ёзги ёғинлар ва ёзги ҳаво ҳароратининг нормаллаштирилган қийматлари; α_{01}, α_{02} ва α_{03} - регрессия коэффициентлари.

Юқорида умумий кўринишда келтирилган тенгламаларда гидрометеорологик ўзгарувчиларнинг нормаллаштирилган, яъни ўлчам бирликларига эга бўлмаган қийматлари иштирок этади. Шу туфайли, Зарафшон дарёси сув сарфларини миқдорий баҳолашда қулайлик яратиш учун, ушбу тенгламалар асосида, ўзгарувчиларнинг, яъни сув сарфлари, атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг ўлчам бирликларини ҳисобга оладиган махсус номограмма тузилди (4 -расм).



4-расм. Зарафшон дарёси оқимини метеорологик омилларга боғлиқ ҳолда баҳолаш номограммаси

Номограмма Зарафшон дарёси оқимини метеорологик омиллар асосида ҳисоблаш ва прогнозлаш имконини беради ва ундан шу мақсадлардаги гидрологик ҳисоблашлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Зарафшон ҳавзаси сув ресурсларини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш”** деб номланган **5-бобида** Зарафшон ҳавзаси дарёларининг сув ресурслари воҳада сувдан фойдаланишни самарали ташкил этиш мақсадларида баҳоланди.

Зарафшон дарёси ҳавзасининг тоғли қисмида шаклланадиган сув ресурсларини баҳолашда Дупули ҳамда Мағиёндарёнинг Сужина гидрологик постлари маълумотларидан фойдаландик. Шу мақсадда дарё ҳавзасининг тоғли қисмида жойлашган дарёларнинг турли таъминланишдаги ўртача йиллик сув сарфлари ҳамда оқим миқдорлари (Q, W, M, h) нинг ўртача кўп йиллик кўрсаткичлари, яъни меъёрий қийматлари ҳисобланди (4-жадвал).

4-жадвал

Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмида ҳосил бўладиган оқим кўрсаткичларининг меъёрий қийматлари

Дарё – кузатиш жойи	Кузатиш йиллари	F, $км^2$	H, *м*	Q, $м^3/с$	W, $10^9 м^3$	M, $л/сек км^2$	h, *мм*
Зарафшон– Дупули к.	1914-2000	10200	3100	155	4,889	15,2	479
Мағиёндарё– Сужина қ.	1914-1920, 1923-2000	1110	2660	7,95	0,251	7,2	226
Йиғинди оқим кўрсаткичлари				163	5,14	14,4	454

Изоҳ: F-сув тўплаш майдони, H-ўртача баландлик, Q – ўртача кўп йиллик сув сарфи; W – оқим ҳажми; M – оқим модули; h – оқим қатлами.

Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмида ҳосил бўладиган, оқим миқдорларининг 95,1 фоизи Зарафшон (Дупули) дарёси ҳиссасига тўғри келса, қолган 4,9 фоизи Мағиёндарёга тегишлидир. Ушбу миқдорий кўрсаткичларини трансчегаравий Зарафшон дарёси сув ресурсларининг давлатлараро, республикамиз миқёсида эса вилоятлараро тақсимотини ташкил этишда ҳисобга олиш тавсия этилади.

Диссертациянинг 4-бобида олинган номограмма асосида Зарафшон дарёси оқимининг миқдорий кўрсаткичлари иқлим ўзгаришининг Бутунжаҳон Метеорология Ташкилоти (БМТ) томонидан тавсия этилган сценариялари (CCCM, UKMO, GFDL, GISS) асосида баҳоланди (5-жадвал).

5-жадвал

Турли иқлим сценариялари бўйича Зарафшон дарёси оқими асосий кўрсаткичларининг ўзгариши

Оқим кўрсаткичлари	Базавий даврдаги меъёри	Иқлим сценариялари			
		CCCM	UKMO	GFDL	GISS
Q, $м^3/с$ / %	153,4 / 100	158,0 / 102,9	161,0 / 104,9	159,0 / 103,7	163,0 / 106,3
W, $10^9 м^3$	4,838	4,978	5,205	5,108	5,302
M, $л/сек \cdot км^2$	15,0	15,5	15,8	15,6	16,0
h, мм	974	488	510	501	520

Изоҳ: Q - сув сарфи, W - оқим ҳажми, M - оқим модули, h - оқим қатлами.

Зарафшон дарёсининг базавий даврдаги меъёрий оқим ҳажми $4,838 \cdot 10^9$ $м^3$ га тенг. Ушбу қийматнинг CCCM модели бўйича яқин келажакдаги 15-20 йил давомида $4,978 \cdot 10^9$ $м^3$ гача ортиши кутилмоқда. Барча иқлимий моделларда, дарё оқимининг 2,9 ÷ 6,3 % оралиқда ортиши кутилади. Лекин, юқоридаги моделларнинг барчаси, иқлим ўзгариши шароитида, Зарафшон дарёси ҳавзасидаги музликлар майдони ва ҳажмининг камайиб боришини, шунга мос равишда дарё оқимининг ҳам камайишини ҳисобга олмайди. Келгуси тадқиқотларда асосий эътибор ана шу масалага қаратилиши лозим.

Дарёлар сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда, биринчи навбатда, ҳар бир дарё учун сув хўжалиги йилини аниқлаб олиш зарур. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар натижалари асосида, дарёлар сув хўжалиги

йили бўйича учта гуруҳга ва улар етти гидрологик районларга ажратилган. Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, Зарафшон ҳавзаси дарёлари икки турга ажратилди. Уларнинг 1-тури юқорида келтирилган биринчи гуруҳнинг учинчи районига тегишли бўлиб, улар Зарафшон ҳавзасининг юқори тоғли қисмида жойлашган, асосан, муз-қор ҳамда қор-муз сувларидан тўйинади. Бу турдаги дарёлар, сув хўжалиги нуқтаи назаридан, ижобий гидрологик режимга эга. Чунки, уларнинг барчаси учун ёзги тўлинсув даври хосдир. Сув режимининг ушбу фазасидаги оқим миқдори йилликка нисбатан 64,3÷87,0 фоиз оралиқда ўзгаради.

Иккинчи тур дарёларга, III гуруҳнинг VII районидаги дарёлар ва сойлар киради. Улар Зарафшон ҳавзасининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, асосан, мавсумий қор қоплами ҳамда ёмғир сувларидан тўйинади. Бу дарёлар учун баҳорги (март-июнь) тўлинсув даври хос бўлиб, қолган ойлар (июль-август) ёзги-кузги оқим чекланган даврга киради. Тўлинсув даврининг қайси муддатларда кузатилишидан қатъий назар, бу турдаги дарёлар оқимининг катта қисми (57,3÷81,2 %) самарасиз оқиб кетади. Ушбу рақамлар ҳудудда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг катта имкониятлари мавжуд эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Зарафшон дарёси ҳавзаси табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари унинг географик жойлашиши, геологик тузилиши, рельефи, орографияси, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами, гидрографик тармоқларида акс этади. Ҳавзада турли йилларда 78 та гидрологик ва 71 та метеорологик кузатиш пунктлари фаолият кўрсатган. Улардан 42 та гидрологик, 44 та метеопунктлар Ўзбекистонда, 36 та гидрологик ва 27 та метеорологик пунктлар эса қўшни Тожикистон ҳудудида жойлашган.

2. Зарафшон ҳавзасида музланиш коэффициентининг энг катта қиймати ($К_м$ = 10,3) Мастчоҳдарёга тегишли бўлиб, унинг май-сентябрь ойларидаги ўртача кўп йиллик оқими ҳажми 2,23 км^3 га, унга музликларнинг қўшган ҳиссаси эса 40,8% га тенг. Бу кўрсаткич Яғнобдарёда 15,4%, Фандарёда 19,2%, Зарафшон (Дупули) да эса 33,6% ни ташкил этади. Глобал иқлим илиши Зарафшон ҳавзаси музликларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Охирги 50 йил давомида ўртача йиллик деградация 0,32 % ни ташкил этди.

3. Дарё ҳавзасида атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ўзгариши тадқиқ этилди. Қуйи ва Ўрта Зарафшонда ёғин миқдори баландликка мос равишда 100÷1000 мм оралиқда ортиб боради. Дастлаб, ёғин миқдори 1500 м баландликларгача ортади, сўнг, водий ичкарисида, 1500÷2000 м оралиқларда, ёғин миқдори камаяди, 2000 м баландликдан бошлаб эса яна орта боради. Ҳавзанинг 2000÷3000 м баландликлари оралиғида ёғин градиенти 30-40 мм га тенг бўлса, 3000÷3500 м оралиқдаги баландликларда эса унинг қиймати 50-60 мм гача ортади.

4. Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишига ҳаво ҳароратининг таъсири ўрганилди. Дарёнинг ўртача ойлик сув сарфлари билан шу ойлардаги ўртача ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланди. Ушбу боғланишлар корреляция коэффициентларининг энг катта қийматлари ($r \geq 0,70$) май, июнь ва август ойларига тўғри келади. Дарёнинг йиллик ҳамда турли мавсумлардаги

ўртача сув сарфлари билан шу муддатлардаги ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар тадқиқ этилди. Ҳисобланган 36 та жуфт корреляция коэффициентининг 21 таси (58,3%) 0,50÷0,60 оралиқда ўзгаради.

5. Зарафшон дарёсининг IV-X ойларидаги сув сарфлари билан айнан шу ойларда кузатилган ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишлар базавий давр (1961-1990) учун ўрганилди. Ушбу боғланишнинг регрессия тенгламасидан (R = 0,91) гидрологик ҳисоблашлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилади. Дарёнинг йиллик оқимига турли мавсумлардаги ёғинлар ва ҳаво ҳароратининг биргаликдаги таъсирини ифодаловчи кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланди. Ушбу боғланишлар тенгламаларининг аниқлиги 0,68÷0,70 оралиқдаги тўлиқ корреляция коэффициентлари билан баҳоланади. Улардан тегишли гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш тавсия этилади.

6. Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмида ҳосил бўладиган оқим миқдорларининг ўртача кўп йиллик кўрсаткичлари Зарафшон ва Мағиёндарёда амалга оширилган гидрологик кузатишлар маълумотлари асосида аниқланди. Ҳар икки дарё йиғинди сув сарфлари миқдори 163 $м^3/с$ га, ўртача кўп йиллик оқим ҳажми эса $5,140 \cdot 10^9$ $м^3$ га тенгдир. Унинг 95,1 % и Зарафшон ҳиссасига, қолган 4,9 % и Мағиёндарёга тегишлидир. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, Зарафшон дарёси оқимининг давлатлараро, республикамизда эса вилоятлараро тақсимоти самарали ташкил этилган.

7. Зарафшон дарёси оқими миқдорий ўзгаришларини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш усули ишлаб чиқилди. Тадқиқотда фойдаланилган иқлим сценарияларига кўра, дарё оқимининг келажакдаги яқин 15-20 йил давомида меъёрга нисбатан 2,9 ÷ 6,3 фоиз оралиқда ортиши кутилмоқда. Бироқ, ушбу моделларнинг барчаси, иқлим ўзгариши шароитида, Зарафшон дарёси ҳавзасидаги музликлар майдони ва ҳажмининг камайиб боришини, натижада, дарё оқимининг ҳам камайишини ҳисобга олмайди. Келгуси тадқиқотларда асосий эътибор ана шу масаланинг ечимига қаратилиши лозим. Мазкур усул қор ва музликлар сувларидан тўйинадиган дарёлар оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш имконини беради.

8. Зарафшон ҳавзаси дарёлари, сув хўжалиги йилининг бошланиши, тугаши ва ундаги даврларни ҳисобга олган ҳолда, икки турга ажратилди: биринчи тур дарёларда сув хўжалиги йили май ойида бошланиб, келгуси йилнинг апрель ойида тугайди. Улар учун ёзги тўлинсув даври (V-IX) ҳамда кузги-қишки-баҳорги (X-IV) оқим чекланган давр хосдир. Ўз навбатида оқим чекланган давр, оқим чекланмаган (X-II) ва оқим чекланган (III-IV) мавсумларга бўлинади. Шундай қилиб, бу турдаги дарёлар сув ресурсларидан суғорма деҳқончиликда фойдаланишнинг самарали эканлиги кўрсатиб берилди.

9. Зарафшон ҳавзасининг иккинчи тур дарёларида сув хўжалиги йили жорий йилнинг март ойида бошланиб, келгуси йилнинг февралигача давом этади. Бу дарёлар учун баҳорги (III-VI) тўлинсув даври ҳамда узоқ давом этадиган ёзги-кузги-қишки (VII-II) оқим чекланган давр хосдир. Кўриниб турибдики, ушбу тургa кирувчи дарёларнинг барчасида тўлинсув даври оқими, аксарият ҳолларда, беҳуда оқиб кетади. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, ишда ушбу дарёлар оқимидан келажакда суғорма деҳқончиликда ҳамда кичик гидроэнергетикани ривожлантиришда фойдаланиш истиқболлари асослаб берилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.G.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАЙДАРОВ САФАРБОЙ АБДИРАШИТОВИЧ

ОЦЕНКА РОЛИ КЛИМАТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ В ФОРМИРОВАНИИ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ РЕК БАССЕЙНА ЗЕРАВШАНА

11.00.03-Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/G21.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.meteo.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Хикматов Фазлиддин Хикматович** доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Чембарисов Эльмир Исмаилович** доктор географических наук, профессор
	Салимова Барно Джамаловна кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «____» _____ 2018 г. в_____часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.G.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическим институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71-135-85-12, факс: (+998) 71-237-13-13; e-mail: nigmi@albatros.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №_____). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71-135-85-12, факс: (+998) 71-237-13-19.

Автореферат диссертации разослан «____» _____2018 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «____» _____2018 года).

В.Е.Чуб
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н.

Б.Э.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н.

С.В.Мягков
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня на нашей планете, особенно в аридных регионах, в результате процесса глобального изменения климата, из года в год остро ощущается дефицит водных ресурсов. В этом отношении, как утверждается в V Оценочном докладе Межправительственной группы экспертов по изменению климата (МГЭИК) ООН «Существуют тревожные свидетельства того, что превышение пороговых показателей, ведущее к необратимым изменениям в экосистемах и климатической системе нашей планеты, уже произошло. … Пугающими темпами сокращается объем горных ледников, и многие поколения в будущем столкнутся с такими последствиями этого явления, как сокращение запасов питьевой воды в засушливые месяцы»[1]. Такое положение указывает на необходимость исследования механизма формирования стока рек в зависимости от климатических факторов и усовершенствования методов оценки их стока в условиях изменения климата.

В мировом масштабе приоритетное внимание уделяется исследованиям данного направления, в частности, изучению закономерностей формирования стока рек, усовершенствованию методов их количественной оценки с учётом влияния изменения климата. Сегодня в мире, вопросы определения вкладов атмосферных осадков и ледников, играющих важную роль в питании горных рек, поэтому, с этой целью оценка физико-статистических многофакторных связей между стоком рек и основными определяющими климатическими факторами, интересуют многих исследователей. Положительные решения этих вопросов дают возможность прогнозировать водные ресурсы рек на ближайшую и отдаленную перспективу для удовлетворения всевозрастающих потребностей человечества. Поэтому, сегодня задачи более точной оценки водных и энергетических ресурсов рек, а также разработка планов их рационального использования, с учетом потребностей будущих поколений, имеют особую актуальность.

В Республике осуществляется ряд мероприятий, направленных на развитие сельскохозяйственного производства, рационального использования существующих водных ресурсов в условиях изменения климата и достигнуты существенные положительные результаты. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан «принятие системных мер по смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря на развитие сельского хозяйства и жизнедеятельности населения» [2] обозначены как основные задачи. В связи с этим, актуальное значение приобретают исследования, направленные на изучение гидрологического режима рек Узбекистана и сопредельных

[1] www.ipcc.ch Intergovernmental Panel on Climate Change (IPCC), Fifth Assessment Report, 2015.
[2] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

территорий, усовершенствование методов расчета их основных гидрологических показателей с учетом изменения климата.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» от 25 сентября 2017 года и № ПП-3672 «О мерах по организации деятельности министерства водного хозяйства Республики Узбекистан» от 17.04.2018 года, и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

